# ОБЛАСТИМИЗ ПАХТАСИ 200 000 ТОННАДАН ОШДИ!

## ПАХТАЗОР ХАБАРЛАРИ

### КУНИГА 7—8 ТОННАДАН

◆ **ЧИНОЗ. М. Мавлонов, Р. Нурисломов ҳамда А. Мирсобиров ўртоқлар Навоий номли колхоз далаларида кунига 7—8 тоннадан пахта териб, хўжалик хирмонига барака киритишмоқда. Бундай механизаторларнинг ғайрат-шижоатлари туфайли давлатга пахта топшириш суръати ортиб бормоқда.**

**Ўтган куни колхоз пахтакорлари беш йиллик планни бажаришди. Ҳозиргача қабул пунктларига беш йиллик планда кўзда тутилган 13 минг 804 тонна ўрнига 13 минг 921 тонна пахта хом ашёси етказиб берилди.**

### 12 ИШ КУНИДА

◆ КОММУНИСТИК. «Ленинский путь» колхозининг И. Маматов бошлиқ бригадаси деҳқонлари 12 иш кунида йиллик планларини бажаришди. Мавжуд 49 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 32,3 центнердан ҳосил олинди. Бригада аъзолари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, давлатга яна 30 тонна «оқ олтин» топширишга қарор қилишди.

### СУРЪАТНИ БЎШАШТИРМАЙ

◆ **ҒАЛАБА. Ўтган куни район хўжаликларида жами 1929 тонна пахта терилди. Йиғим-терим ишларида «Заря коммунизма» колхози пахтакорлари пешқадамлик қилишди. Хўжаликда шу куни йиллик планнинг 5,48 проценти миқдорида пахта тайёрланди. Ҳар бир машинада ўртача терилган пахта 7,5 тоннадан тўғри келди.**

### ТАЛАБАЛАР ДАЛАГА ЧИҚИШДИ

◆ БЕКОБОД. Бекобод педагогика билим юртининг 670 нафар ўқувчиси ўтган куни пахта теримига чиқиб, жами 57 тонналик хирмон уйди. Ҳар бир кишининг ўртача иш унумдорлиги 85 килограммдан тўғри келди. Талабалардан Қ. Умарова шу куни 206 килограмм, О. Иброҳимова 165 килограмм, Х. Нишонова 151 килограмм ҳамда М. Акромова 145 килограммга етказиб пахта теришди.

## ОБЛАСТДА БИРИНЧИ

**ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ КОЛХОЗ ПАХТАКОРЛАРИ ОБЛАСТДА БИРИНЧИ БЎЛИБ ЙИЛЛИК ПЛАННИ БАЖАРДИЛАР.**

4 ОКТЯБРЬ куни эрталаб тайёрлов пунктидан хабар қилишди: йиллик план ҳисобига сўнгги тонналар топширилмоқда. Шу куни кеч соат 5 ларда Охунбобоев номли колхоз Ўрта Чирчиқ районидагина эмас, балки Тошкент областида биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш планини бажарганлиги маълум бўлди. Давлат қабул пунктларига 3110 тоннадан ортиқ пахта етказиб берилди. 1070 гектар ернинг ҳар гектаридан 29 центнердан ҳосил олинди.

Бу катта ғалабага уч иш кунида пахта тайёрлаш планини бажарган Қўнис Йўлдошев, Турғун Эгамбердиев, Набижон Фозилов, Шокир Турдиев, Нурмуҳаммад Ҳолжонов сингари тажрибали пахта усталари бошчилик қилаётган бригадаларнинг коллективлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Улар ҳозиргача ҳар гектар ердан 30—33 центнерга етказиб «оқ олтин» йиғиштириб олишди.

Хўжалик механизаторлари жами ҳосилнинг 98 процентини машиналар бункеридан тўкдилар. 24 та терим машинасида 2971 тонна пахта терилди. Илғор механик-ҳайдовчи Рустам Абдураззоқов баъзи кунлари 20 тоннадан ошириб пахта териб барчага ибрат бўлди. Унинг шу кунгача уйган хирмони 225 тоннадан ошиб кетди. Мурод Тожиқулов, Маҳмуд Ҳайдаров, Мўйдин Парпиев, Абдуманноп Аҳмедов, Эрали Тожиқулов сингари механизаторлар ҳозиргача 130—150 тоннадан пахта териб, бу ютуққа катта ҳисса қўшдилар.

—Колхозимизда бу муваффақиятга олдиндан пухта замин тайёрланган эди, — дейди колхоз партия ташкилотининг секретари Ж. Қосимхўжаев. — Ерни экишга тайёрлашдан тортиб ҳосил йиғиб-териб олингунгача бўлган барча ишларни аниқ тадбирлар асосида амалга оширдик. Уларнинг бажарилиши қатъий назорат қилинди. Шунинг учун ҳам 12 иш кунида йиллик планни адо этдик.

Колхоз правлениеси, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари бригадалараро, механизаторлар ва кўпмингкилограммчи теримчилар ўртасидаги мусобақа шартларини ишлаб чиқди. Бу беллашувга ҳар беш кунда якун чиқариб борилди. Ғолиб бригадага кўчма Қизил байроқ, механизаторлар ва кўпмингкилограммчи теримчиларга вимпел ва пул мукофотлари берилди.

— Мусобақанинг ошкоралигини таъминлаш учун матбуот маркази ташкил этилган, — дейди партком секретари. — Сиёсий ахборотчилар, агитаторлар ҳар кунги янгиликни ўз вақтида бригадаларга етказадилар. Ким қандай натижага эришганлиги маълум қилиб борилади. Бу биринчи босқич. Иккинчидан, мусобақага якун ясашда ишнинг сифати алоҳида ҳисобга олинади. Ҳар бир механизатор терган карта комиссия томонидан текшириб чиқилади. Агар ҳосил нормадагидан кўпроқ тўкиб юборилган бўлса, бунга чора кўрилади. Бу тадбирлар ишнинг суръати билан биргаликда сифатининг юқори бўлишини таъминламоқда.

« Теримнинг муваффақиятини одамлар ҳал қилади, уларга қанчалик яхши шароит яратилса, шунчалик унумли меҳнат қилишади. Бу ҳақда унутмаслик керак!». Бу сўзларни колхоз правлениесининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Миразиз ака Рўзиматов тез-тез қайтариб турадилар. Зеро, хўжаликда иш ана шундай ташкил этилади.

Хўжаликда дастлабки марра эгалланган бўлишига қарамай терим суръати бир дам ҳам сусаймаяпти. Далада ҳали пахта кўп. Кунига 4,5—5 процент миқдорида пахта топширилмоқда. Хўжалик деҳқонлари ҳосилдорликни камида 36 центнерга етказамиз, деб дадил айтишмоқда. Ҳа, бу марра ҳам яқин кунлар ичида, албатта, эгалланади. Чунки пахтакорларнинг бугунги ғайрат-шижоати шундан далолат бериб турипти.

**Ф. МУҲИДДИНОВ.**



**КОММУНИСТИК районидаги «Ленинский путь» колхози механик-ҳайдовчилари З. Бурҳонов ва С. Хориевлар теримда пешқадамликни қўлдан беришмаяпти. Суратда: З. Бурҳонов (чапда) ва С. Хориев.**

**А. Аҳатов** фотоси.

## МАЖБУРИЯТ—450 ТОННА

ПИСКЕНТ районидаги Калинин номли колхоз пахтакорлари ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида мавжуд 875 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» олишга аҳд қилишган. Далаларда ана шу юксак мажбуриятга яраша ҳосил тўпланди. Кўсаклар лўппи-лўппи бўлиб очилган. Эндиги вазифа ана шу ҳосилни нес-нобуд қилмай ўз вақтида йиғиштириб олишдан иборатдир.

III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени нишондори Эркин Ҳамидов бошлиқ бригада аъзолари йиғим-теримда олдинда бормоқдалар. Ҳолбуви Ҳудойбоқова, Барно Душаева, Нигора Усмонова, Баҳриниса Жумакова каби чевар теримчилар айни кунларда хирмонга 100—120 килограммдан пахта топширмоқдалар.

Бригада аъзолари мавсумда давлатга 388 тонна ўрнига 450 тонна пахта сотиш учун кураш олиб бормоқдалар.

**Г. МАҲКАМОВА.**

## «ОҚ ОРОЛ»

— Совхозимизни баҳорда «Кўкорол», кузда эса «Оқ орол» деймиз. Қаранг, худди далаларга лайлак қор ёққандек, ҳаммаёқ оппоқ... — дейди суҳбатдошимиз.

Ҳа, худди шундай. Карталар оралаб бораётган машина дарчасидан кенг пахтазорларга боқамиз. Дефолиациядан сўнг қизғиш тус олган ғўза чаноқларидаги пахталар лўппи-лўппи бўлиб очилиб ётипти. Фақат машиналар ўтган эгатларгина биров қорайган. Икки-уч кун шундай бўлиб туради. Тўртинчи кун қолган кўсаклар ҳам очилиб, яна ҳаммаёқ оқ ҳарирга бурканади.

Мана шу пайкалларда пахта тераётган 74 та машинанинг ҳаммаси мавсум олдидан район кўригида қатнашди. Ремонтчи-механиклар ҳалол ишлашган экан, кўрикда машиналарнинг бирортаси ҳам панд бермади. Жюри қарори билан уларга вимпел ва соат совға қилишди.

20 сентябрь куни иккинчи бўлим пахтазорларига 12 та машина қўйилди. Бу пайкалларда пахтанинг 85 проценти очилган эди. Эртасига 3-бўлим пахтазорларига ҳам машина кирди. Шу тариқа агрегатлар қулочи кенгая борди. Беш кун ичида старт чизиғида турган 74 та терим машинасининг ҳаммаси олдинма-кейин ишга тушиб кетди.

— Терим олдидан механизаторларга мусобақа шартларини тушунтирдик, — дейди партком секретари Х. Абдуллаев. — Ҳар бир машина учун 70 тонна норма қилиб қўйилди. Нормадан ошириб терилган дастлабки ўн тонна учун иш ҳақининг ўн проценти миқдорида қўшимча ҳақ тўланадиган бўлди. 100 тонна ва ундан ошириб пахта терган механизаторларга эса 40—50 процент қўшимча ҳақ тўланади. Айни пайтда ҳосилни тўкмай сифатли териб олиш ҳам мусобақанинг асосий шартларидан бири қилиб қўйилган. Бу шартни аъло даражада бажарган суворийга 50 процент қўшимча ҳақ берилади.

Ҳозир машинада терилган ҳар тонна пахта учун 8 сўм, қўлда терилган ҳар килограмм пахта учун эса 8 тийин ҳақ тўланаяпти. Одамлар кўп ва сифатли ишлашдан манфаатдор бўлмоқдалар. Шу боисдан ҳам теримга яроқли кишиларнинг ҳаммаси ҳозир далада. 800 киши белга этак тутиб пахта тераяпти.

6-бўлимнинг Норча Парпиев бошлиқ бригадасига етиб келганимизда теримчилар шийпонда тушлик қилиб, яна теримга тушиб кетишган экан. Шу пайт карта этагида терим машинаси кўринди. У оҳиста эгат боши томон сузиб келарди.

— Норчанинг ўзи, — дейди бош инженер Д. Содиқов, машинага ишора қилиб. — Эрталабдан бери саккиз тонна терди, кечгача ўн беш тоннага етказмоқчи.

Норча Парпиев бошлиқ бригада коллективи бу йил пудрат усулида ишлашга ўтган. Бригада аъзолари четдан одам ёлламай ғўзаларни ҳосилга киритишди. Энди ўз кучлари билан уни териб олишаяпти.

Совхозда 35 та пахтачилик бригадаси бор. Шулардан бештаси бу йил тажриба сифатида пудрат усулида ишлашга ўтказилди. Бу усулнинг афзалликлари эрта баҳордаёқ сезилди. Чигит ўз вақтида экиб олинди, ғўза сифатли парвариш қилинди, йиғим-теримга пухта ҳозирлик кўрилди.

Кенг кўчалар бўйлаб пахта ортган прицеплар келаяпти. Бу «Кўкорол» ҳосили. Совхоз чўлқуварлари беш йилликнинг якунловчи йилида эл хирмонига 7200 тонна «оқ олтин» топшириш ишқида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ҳозир ҳар кун, ҳар соат ғанимат. Буни ишчилар яхши ҳис этишаяпти. Улар 20 октябргача йиллик пахта тайёрлаш планини, 25 октябргача эса социалистик мажбуриятни бажаришга сўз беришган. Ҳозир ҳамманинг диққат-эътибори мана шу марраларни тезроқ эгаллашга, партиямизнинг бўлажак съездини ёруғ юз билан кутиб олишга қаратилгандир.

**Ж. НОСИРОВ,**
**Бўка районы.**

**ЭРТАГА— ЎҚИТУВЧИЛАР КУНИ**

## «МУАЛЛИМ КАМОЛОТ ИЧРА КЎЗГУДИР...»

Бошланғич синф муаллимаси Маъмура Мирҳодиева билан анча суҳбатлашдик. Унинг берилиб сўзлаши, воқеаларни батафсил эслаши, ўзи ўқитган болалар ҳақидаги фикрлари касбини эъзозлашидан ва чуқур билимидан далолат бериб турарди.

У кечагина овқат ейишу ўйнашдан бўлак ташвиши бўлмаган болакайларни мактаб ҳаётига етаклаб кириш осон эмаслигини жуда яхши англарди. Ана шунинг учун ҳам сабр-тоқатни, доимий изланишни, меҳр-муҳаббатни ўзига йўлдош деб билди. Файласуф Р. Эмерсоннинг «Муваффақиятли тарбиянинг сири — ўқувчига ҳурматдадир» деган сўзларига бутун педагоглик фаолиятида амал қилди. Мана биргина мисол:

Бошқа мактабдан келган «янги» ўқувчини унинг синфига қўшишди. «Янги» қиз негадир дарсни эътиборсизлик билан тинглар, гўё ўтилаётган дарслар у учун аҳамиятсиздек эди. Маъмура Мирҳодиева ўтган дарсни ўша ўқувчидан сўради. Жавобдан сезилиб турардики, ўқувчи уйида қўлига китоб олмаган. У ўз айбини ўзи сезиб, ҳозир «ўтир, баҳоинг икки» деган даккини эшитишга тайёрланиб турарди. Лекин қиз муаллимнинг сўзларидан ҳайратга тушди.

— Гулнорахон, дарсни тушунишга ҳаракат қилибсиз, яна бироз ўқисангиз бунинг уддасидан албатта, чиқасиз. Баҳони эса кейинги дарсда қўяман. Келишдикми?..

Гулнора Жумадуллаева кейинги дарсга ҳақиқатан жуда яхши тайёрланиб келди. «Аъло» баҳога жавоб берди. Бу унинг биринчи «беши», тўғрироғи, кейингиларининг дебочаси эди. Бу воқеани Гулнорахон ҳалигача кулиб эслаб юради: «Маъмура опанинг бу «беши» ҳикматли экан. Олдин ўқиган мактабимда жавоб беролмасам танбеҳ беришар, шу боис дарс тезроқ тугасайди, деб ўтирардим. Маъмура опанинг ширин муомаласи эса қалбимда ўқишга бўлган интилишни кучайтирди. Мен бу меҳрибон аёлдек ўқитувчи бўлишни орзу қилиб қўйгандим, ўшанда».

Бугун эса Гулнора Жумадуллаеванинг орзуси ушалган. У Тошкент Давлат университети филология факультетининг кечки бўлимида таҳсил олиб, Маъмура опа билан бир коллективда — К Маркс номли колхоздаги 36-ўрта мактабда ишламоқда. У ҳозир бошланғич синф ўқитувчиси.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Маъмура опанинг касбига, болаларга муҳаббати, уйқусиз тунлари-ю, сермеҳнат кундузлари туфайли юзлаб ўқувчиларнинг ҳаётлари бошланғич синфлардаёқ тўғри йўлга тушиб олди. Ўз коллективи орасида обрўэътибор топди. Мана саккиз йилдирки, М. Мирҳодиева мактабнинг бош илмий ишлар бўлими мудири. Опанинг ибратли меҳнати партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени билан мукофотланди.

М. Мирҳодиева Юнусобод қишлоқ Советининг депутати ҳамдир. У колхозда янги мактаб қуриш масаласи билан астойдил шуғулланди, охирига етказди. Сайловчилар наказини бажариш депутатнинг бурчи эканлигини Маъмурахон яхши билади. У муаммони ҳал қилишга астойдил киришди. Колхоз раиси депутатнинг фикрини инобатга олди. Ҳозир М. Мирҳодиева ҳар куни эрталаб фарзандларини мамнунлик билан мактабга кузатаётган ҳамқишлоқлари чеҳрасини, қувноқлик билан автобусга чиқаётган ўқувчиларни кўрганда ич-ичидан севиниб кетади.

Тажрибали педагог М. Мирҳодиева уч фарзанднинг онаси. Маъмурахонлар хонадонидаги тартиб, саранжом-саришталикка, болаларнинг хулқи-одобига бутун маҳалла ҳавас билан қарайди. Бу жонкуяр муаллимани яхши уй бекаси сифатида ҳам билишади.

— Мен Маъмурахон тимсолида ҳар томонлама баркамол, тиниб-тинчимас, замонамизга муносиб зукко аёлларни кўраман, — дейди колхозчи Роҳат опа Ўрозалиева. — Тўққиз фарзандимизнинг деярли барчаси Маъмурахон қўлида сабоқ олган. Биз фарзандларимизни билимдон ва одобли қилиб тарбиялагани учун бу ўқитувчидан миннатдормиз.

Ўзининг ҳалол меҳнати билан мана шундай илиқ сўзларга сазовор бўлаётган Маъмура Мирҳодиевага ҳавас қилса арзийди. Бу педагог ҳузуридан қайтар эканман, шоир Абдулла Ориповнинг «Муаллим камолот ичра кўзгудир» деган сатрлари нақадар ҳаётий ҳақиқат эканлигига яна бир бор иқрор бўлдим.

**Ш. ИСРОИЛОВ.**
**Тошкент районы.**



**ЧИНОЗ РАЙОНИДАГИ 4-мактаб педагоглари ўз байрамларини муносиб ютуқлар билан кутиб олмоқдалар. Бу ерда ислоҳот талаблари асосида анчагина ишлар қилинди. Замонавий фан кабинетлари, лабораториялар, спорт майдончалари таълим-тарбия самарадорлигини ошириш йўлида яратилган катта қулайликлардир. Суратда: ўқувчилар рус тили муаллимаси Г. Н. Букреева ҳамда илмий бўлим мудири А. Мелдибоевларни байрам билан қутлашмоқда.**

**Р. Альбеков** фотоси.

## ЎЗ ОНАЛАРИДЕК ИЗЗАТДА

ҚЎНҒИРОҚ чалиниши биланоқ талабаларнинг шовқини тутган коридорга сокинлик чўкди. Ҳамма ўз жойини эгаллаб, навбатдаги ўқув машғулотига ҳозирлик кўра бошлади. Аудиторияга енгил қадамлар билан кириб келган хушрўйгина аёл йиғилганлар билан илиқ саломлашдида, ўтган дарсда берилган топшириқларнинг бажарилишини текширишга киришди. Бир неча ўқувчига турли саволлар билан мурожаат этди. Уларнинг дадил жавоб беришларидан бу галги дарсга ҳамманинг пухта тайёргарлик кўрганлиги сезилиб турарди. Санъат опа қониқиш ҳосил қилиб, навбатдаги темани бошлади. Дарс давомида у янги мавзуга оид ўқув қуролларидан фойдаланишни ҳам унутмади. Вақти-вақти билан уларга мурожаат этиб, дарсни қизиқарли ўтказишга интилди...

Биз ҳикоя қилаётган бу аёлнинг таржимаи ҳоли оддий. Санъат Зоҳидовна ўрта мактабни тугатгач, ким бўлсам экан, деган ўйга бориб юрмади. Онаси Муқаддас опанинг ишини давом эттириш учун Н. К. Крупская номли Тошкент педагогика билим юртига ўқишга келди. Кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, студентлар сафига қабул қилинди.

Талабалик йилларининг дастлабки кунлариданоқ у тенгдошларидан ажралиб туришга, берилган топшириқни вақтида бажаришга астойдил ҳаракат қилди. Ундаги фидоийликни мураббийлари ҳам юксак қадрлаб, бир талай жамоат ишларини зиммасига юклаб қўйишган эди. Шу боисдан 1955 йили ўқишни имтиёзли диплом билан тамомлаган ёш тарбиячини билим юрти коллективи ўз сафида қолдирди. Ўшандан буён ўзи камол топган ўқув юртида ёшларга «Болалар боғчаси методикаси»дан таълим бериб келмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси Санъат Зоҳидовнанинг номини кўпчилик чуқур ҳурмат билан тилга олади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки у 25 йилдан буён ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашдек шарафли ишни амалга оширишга камтарона ҳисса қўшиб келяпти. Опанинг ўгитларидан баҳраманд бўлиб, ишини давом эттираётган минглаб тарбиячиларни эндиликда республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида учратиш мумкин.

Тажрибали педагогнинг зиммасидаги вазифа ғоят масъулиятли. У билим юрти дирекцияси ва партия комитетининг ташаббуси билан ташкил қилинган 3-«Ж» махсус тажриба группасига раҳбар. Бундай группалар ўқув масканида беш йилдан буён фаолият кўрсатиб келяпти. Унинг битирувчилари ўзлари туғилиб ўсган жойлардаги тарбия муассасаларида кичкинтойларга рус тилини ўргатиш ишлари билан шуғулланадилар.

Санъат Зияева ўзининг бўш вақтларини шу группа қизлари билан ўтказади. Уларнинг дарсларни ўзлаштиришлари, юриш-туришлари билан қизиқади. Талабалар ҳам унга астойдил кўнгил қўйишган. Ўз оналаридек севиб, ғамхўрликларидан мамнун бўлишмоқда. Жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этишяпти. Фотима Валиева, Нодира Азимова, Гулҳида Йўлдошева, Муҳаббат Алиқулова ва Динара Абдуллаева сингари талабаларнинг жонкуярликлари туфайли группа қизлари эндиликда ўқиш ва ишда кўпчиликка ўрнак бўлишяпти.

Опанинг ҳалол меҳнатларини давом эттираётган фарзандлари ишидан ҳам эл-юрт мамнун бўлмоқда. Нодира, Дилором педагог, қолган уч қизи эса шифокор. Улар ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан фаровон турмушимизнинг янада гўзал бўлишига баракали ҳисса қўшишяпти.

**Р. АҲМАДАЛИЕВ.**

## ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

### ВЕНЕСУЭЛА КОНГРЕССИ ҚОРАЛАМОҚДА

КАРАКАС. Венесуэла конгресси Чилидаги Пиночетнинг ҳарбий-фашист диктатурасини кескин қоралади.

12 йилдирки, деб уқтирилади Венесуэла парламентининг баёнотида, Чилидаги мустабид режим давлат терроризми сиёсатини ўтказиб, ўз халқига тинимсиз жабр-зулм қилмоқда ва инсоннинг энг оддий ҳуқуқларини поймол этмоқда.

Бироқ, чилиликларнинг озодлик ва демократик йўлидаги курашини бўшаштира оладиган куч йўқ, деб таъкидланади ҳужжатда. Сиёсий партиялар, касаба союзлари, жамоат ташкилотлари ва католик черков мана шундай кураш олиб бормоқда. Уларнинг ҳаммаси аҳолининг энг кенг табақалари вакилларидир.

Конгресс Венесуэла халқи номидан Чили халқининг кураши билан астойдил бирдамлик изҳор этди, бу кураш пировард натижада демократиянинг тантанасига, инсон ҳуқуқларининг тикланишига олиб келади, деб у ишонч билдирди.

Конгресс Венесуэла ҳукуматидан БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар минбаридан Пиночетнинг халққа қарши режимини қоралаб чиқишга чақирди.

### ИХТИЛОФЛАР ВАЗИЯТИДА

ЖЕНЕВА. Бу ерда тарифлар ва савдо-сотиқ тўғрисидаги бош битим—ГАТТда қатнашувчи мамлакатларнинг махсус сессияси ихтилофлар вазиятида тугади.

Бу сессия АҚШ ва ғарбдаги бошқа бир қанча мамлакатларнинг йирик монополистик капитали учун алоҳида манфаатли бўлган хизматлар билан савдо қилиш тўғрисидаги масаланинг муҳокамасини бошқа мамлакатларга тиқиштиришга уринаётган Қўшма Штатларнинг талаби билан чақирилган эди. Ривожланаётган мамлакатлар группаси бунга қатъиян қарши чиқмоқда. Уларнинг фикрича, ГАТТнинг бош вазифаси халқаро савдо-сотиқни либераллаштириш хусусида илгари қабул қилинган қарорлар ва тавсияларнинг амалга оширилишига ҳамда капиталистик мамлакатлар ва аввало АҚШ жорий этган манфаатпарастлик чеклашлари бекор қилинишига эришишдан иборат. Бошқа делегациялар ҳам савдо муносабатларини соғломлаштирадиган шошилинч чоралар кўрилиши зарурлигини таъкидладилар.

Сессиянинг янги даврасини чақириш ва унга хизматлар тўғрисидаги масалани киритиш масаласи ҳозирча даргумон бўлиб турибди.

**(ТАСС, 4 октябрь).**

### ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ ТЕЛЬ-АВИВНИ ЛАЪНАТЛАМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 4 октябрь. ТАСС мухбири В. Чернишев хабар қилади: Халқаро ҳамжамият Исроил қузғунларининг Исроилдан бир неча минг километр наридаги Тунис пойтахтига безориларча босқин қилганини Тель-Авивнинг араб давлатларига ва халқларига қарши жиноятлари чексиз занжиридаги яна бир ҳалқа деб баҳоламоқда. Шу босқин натижасида ўнлаб киши ҳалок бўлди, жароҳатланди, ҳеч бир сабабсиз қилинган ҳужумдан жабр кўрган мамлакатга жуда катта моддий зиён етди. Исроилнинг янги агрессияси натижасида вужудга келган аҳволни муҳокама қилаётган хавфсизлик кенгашида 30 дан ортиқ мамлакатнинг вакиллари сўзга чиқди. Нотиқларнинг ҳаммаси, ниҳоят, ҳаддидан ошган агрессор тийиб қўйилсин, Яқин Шарқда шу регион халқлари орзиқиб кутаётган тинчлик ва хавфсизлик ўрнатилсин, деб талаб қилдилар.

Шу билан бирга халқаро ҳамжамият намояндалари АҚШнинг ёрдами ва бевосита гиж-гижлаши туфайлигина Исроил ўзининг хунук қилиқларини қилаётганини, халқаро ҳуқуқ ва маданий феъл-атворнинг ҳамма нормаларини поймол этаётганини якдиллик билан таъкидламоқда.

«Исроил Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси бўлмиш АҚШнинг ҳар томонлама мададига таяниб жиноятларини давом эттирмоқда, — деди араб мамлакатлари уюшмаси бош секретарининг ўринбосари А. Омран. — Бу—Америка билан Исроил ўртасидаги стратегик ҳамкорликнинг натижасидир, бу — Исроилни Американинг энг замонавий қуролли баҳайбат аслаҳахонасига айлантирган доимий ҳарбий ёрдамнинг натижасидир. Бу — америкалик камбағалларнинг оғзидан юлиб олиб, исроиллик қотилларга берилаётган миллиард-миллиард долларларнинг кучидир, бу—айниқса Хавфсизлик кенгашидаги дипломатик мададнинг самарасидир. АҚШнинг позицияси бутун араблар дунёсига ашаддий душманликдан иборат».

Шарқий Европа давлатлари группаси номидан сўзга чиққан Украина ССРнинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Г. И. Удовенко, бу қароқчилик босқини халқаро ҳуқуқнинг энг асосий нормаларини бузиш эканини таъкидлади. Шу сабабли хавфсизлик кенгаши Исроилга қарши БМТ уставига мувофиқ энг кескин чораларни кўриши керак

